



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ АЙРИМ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ САБАБ ВА ШАРОИТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ФАОЛИЯТИ

**Қурбанов Шахриёр Аминбай ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Хуқуқбузарликлар  
профилактикаси фаолияти мутахассислиги  
3-босқич курсанти*

**Аннотация:** *Профилактика инспекторининг хуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш фаолиятини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш.*

**Annotation:** *Implementation of measures to improve the preventive inspector's system of determining the causes and conditions of crimes and organizing their elimination.*

**Калит сўзлар:** *профилактика ишлари, хуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар, хуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, хуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш.*

*“Бугунги кунда профилактика инспекторларининг асосий вазифаси фақат содир этилган, жиноятларни ҳисобга олиш, уларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки хуқуқбузарликларнинг сабаб ва омилини чуқур таҳлил қилиш асосида уларнинг барвақт олдини олишга қаратилган чораларни ўз ҳудудида амалга оширишдан иборат”*

**Ш.М.Мирзиёев**

Маҳаллаларда олиб борилаётган тарғиботлар, профилактика ишлари, хуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан тушинтириш ишлари олиб борилиши орқали кўни-кўшни, қариндош-уруғлар ўртасидаги муаммолар ёки ўзаро пул олди-бердиси, уй-жой масалалари каби келишмовчиликлар вақтида аниқланиб, ўз вақтида муҳокама қилиниши каби тадбирлар натижасида оила-турмуш муносабатлари доирасидаги нотинчликларнинг олди олдинишига эришилган.

Ҳеч кимга сир эмаски бугунги кунда содир қилинаётган жиноятлар ва бошқа хуқуқбузарликларнинг аксар қисми спиртли ичимликлар истеъмол қилиниши оқибатида содир этилаётганлигини кўришимиз мумкин. Биз қуйида шу ва бошқа сабаб ва шароит оқибатида хуқуқбузарликлар содир этилаётганлигини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Бизнинг фикримизча, профилактика инспекторлари хуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасидаги фаолиятини қуйидаги йўналишларда ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир:

*Биринчи йўналиш:* бугунги кунда айниқса шаҳарларимизда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш борасида ўтказилаётган тадбирлар жараёнида



спиртли ичимликлар ёки бошқа кучли таъсир кўрсатувчи воситалар таъсирида бўлиб, маст ҳолда юрган, ўзининг шахси ва яшаш манзили тўғрисида маълумот бера олмайдиган фуқаролар аниқланмоқда. 1999 йилга қадар Тошкент шаҳрида 5 та тиббий хушёрхоналар фаолият юритган бўлиб, ушбу хушёрхоналарга кўчалар, 28 марказий хиёбонлар, истироҳат боғлари, вокзаллар, аэропортлар ва бошқа жамоат жойларида инсон шахсиятини камситувчи ва жамоатчилик ахлоқини таҳқирловчи ўрта ва оғир мастлик даражасидаги шахслар олиб келинган. (Собиқ Иттифоқ ИИВнинг 30.05.1985 йилдаги 106-сонли буйруғи). Олиб келинган шахслар хушёр ҳолатга келгунга қадар ушлаб турилиб, уларга зарур тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган.

Фуқароларнинг жамоат жойларида спиртли ичимликлар истеъмол қилишларини чеклаш борасида ўтказган тадбирлари натижасида Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 187-моддаси билан боғлиқ 23018 та ҳуқуқбузарлик аниқланган. Шундан 562 таси мазкур модданинг 2-қисмига асосан тузилган.

Оқибатда кучли ёки ўрта даражада мастлик ҳолатидаги фуқароларнинг жиноят қурбони бўлиши ёки айрим ҳолатларда кўчаларда эътиборсиз қолиши натижасида вафот этиши билан боғлиқ ҳолатлар кузатилмоқда.

Бундан ташқари спиртли ичимликларнинг истемол қилиш учун яроқсиз ахволга келиб қолганлиги ёки муддатини ўтиб қолганлиги оқибатида ҳам бир қанча фуқароларнинг захарланиш ва вафот этиш ҳоллари кузатилмоқда.

Шу сабабли Республика бўйича спиртли ичимлик таъсирида бўлган ўзининг шахси ва яшаш манзили тўғрисида маълумот бера олмайдиган, шунингдек, жамоат жойларида инсон шахсиятини ва жамоатчиликни 29 таҳқирловчи ўрта ва оғир мастлик даражасида пайдо бўлган шахсларни жойлаштириш учун махсус тиббий хушёрхоналар фаолиятини қайтадан жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

*Иккинчи йўналиш:* Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги "Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан ички ишлар органлари бу тоифа беморларни мажбурий даволаш муассасаларига жойлаштириш борасида соғлиқни сақлаш идораларига кўмак бериши белгиланган.

Тошкент шаҳар наркология диспансерининг 2020 йилги маълумотларига кўра, наркология диспансери ҳисобида турувчи сурункали ичувчилар сони 4912 нафарни, гиёҳвандлар сони 1544 нафарни, игна орқали гиёҳванд моддалар қабул қилувчилар сони 113 нафарни, захарвандаликка чалинганлар сони 41 нафарни ташкил этади. Бироқ, Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган Тошкент шаҳар наркология диспансерининг бор-йўғи 60 ётоқ-ўринли махсус даволаш-олдини олиш муассасаси, шаҳар наркология диспансерининг ўзида 60 та ётоқ-ўринли стационар ва 25 та ётоқ-ўринли кундузги стационар фаолият юритмоқда.

Тошкент шаҳрида гиёҳвандлик ва сурункали ичкиликбозлик ташхиси қўйилиб, мажбурий даволаш учун юборишга муҳтож бўлган беморларни жами 145 та ётоқ-



ўринга жойлаштиришда қийинчиликлар юзага келиб, узоқ муддат кутишга тўғри келиб, фуқароларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли Тошкент шаҳар наркологиya диспансерининг махсус даволаш-олдини олиш муассасаларидаги ётоқ-ўринлар сонини ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

*Учинчи йўналиш:* Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекисто Республикаси давлат комиссиясининг “ Наркотик моддаларнинг 30 суистеъмоли ва уларнинг ноқонуний муомласига қарши курашнинг 2016- 2020 йилларга мўлжалланган комплекс чоралари дастури ” га асосан бир қатор тарғибот – ташвиқот ишлари амалга оширилди.

Хусусан, 2020 йил бошида ( февраль ) “ ёшлар орасида наркотик воситаларни тарқатишга қарши кураш ” ҳамда икки босқичда ( 1 май-30 июнь ва 1 август- 30 сентябрь кунлари ) “Қорадори – 2020” кенг камровли тезкор профилактик тадбирлари ўтказилди.

Тадбир давомида жами 1 048 та наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар аниқланди, бироқ амалга оширилган профилактик ва тезкор тадбирларга қарамасдан, айрим ҳудудларда мазкур турдаги жиноятларни аниқлаш борасида зарур чора тадбирлар аниқ белгилармаганлиги боис, Тошкент вилоятида 16 тага ёки 2,2 фоизга кам аниқланган. Шу сабабли мазкур турдаги жиноятларни аниқлаш борасида зарурий аниқ чора-тадбирларни белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

*Тўртинчи йўналиш:* Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 190-моддасининг 1-қисмига асосан фоҳишалик билан шуғулланганлик учун энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, 2-қисмига асосан ушбу ҳуқуқбузарликни бир йил давомида такроран содир этганлик учун энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жаримага тортилиши белгилаб қўйилган.

2020 йилда жами 2141 нафар аёл фоҳишалик билан шуғулланганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, 2021 йилнинг 3 оyi давомида бу кўрсаткич 526 нафарни ташкил этган. Бугунги кунда эса бу кўстаккич анча камайган. Энг салбий жиҳатларидан бири – Тошкент шаҳрига Республикамизнинг бошқа ҳудудларидан фоҳишалар оқими кун сайин купайиб бораётганлигидир. Фоҳишалик билан шуғулланганлик учун белгиланган жазонинг ҳуқуқбузар томонидан содир этилаётган қилмиш хусусиятларига мос келмаслиги, шунингдек, жарима жазосининг фоҳишалик билан 31 шуғулланган шахсни ахлоқан тарбиялаш воситаси сифатида аҳамиятга эга эмаслигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 190-моддаси 1-қисмини маъмурий қамоқ муқобил жазоси билан тўлдириш, 2-қисмида эса бир йил давомида ушбу ҳуқуқбузарликни такроран содир этганлик учун фақатгина 15 суткагача маъмурий қамоқ жазосини киритиш мақсадга мувофиқдир.

*Бешинчи йўналиш:* Айрим дайдиларнинг Тошкент шаҳрида доимий рўйхатга эга бўлсада, амалда турар жойга эга эмаслиги, шунингдек, 60 ёшдан ошган доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан чора кўришда муаммолар юзага келмоқда. Шу сабабли доимий яшаш жойига ва машғулот турига эга бўлмаган



бу тоифа шахсларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилиш мақсадида тиббиёт органлари ҳузурида муайян фаолият тури билан шуғуллантирувчи махсус муассаса (хоспис)лар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

*Олтинчи йўналиш:* бугунги кунда ички ишлар органлари ходимлари томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар олиб борилмоқда. Бироқ, Тошкент шаҳрида урбанизация жараёнининг жадаллик билан бориши, аҳоли сонининг ортиши, транспорт инфратузилмасининг шаклланиши, ишлаб чиқариш таъсирида миграцион жараёнларнинг тезлиги жиноятчилик кўрсаткичларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Назаримизда, янги қурилаётган турар ва нотурар жой объектларига видеокузатув камералари ўрнатилиши мажбурийлигини белгиловчи меъёрий- ҳуқуқий норма киритиш мақсадга мувофиқдир.

*Еттинчи йўналиш:* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6196-сон Фармонида асосан 2021 йил 2 апрелда ПҚ-5050-сонли қарор қабул қилинди. Мазкур қарор асосида ИИОларининг мактабларда инспектор психолог лавозими жорий этилиши ва шу мақсадда 2000 мингта штат ташкил этиш белгилаб қўйилди. Таълим муассасалари ўқувчи-талабалари ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсади учун таълим муассасаларида вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш йўналишидаги ички ишлар органлари янги ташкил этилаётган инспектор психолог лавозимига ички ишлар оргарларида самарали иш фаолиятини олиб бораётган, тажрибали, юрист ходимларини тайинлаш мақсадга мувофиқ булар эди.

*Саккизинчи йўналиш:* Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда. Лекин, айрим ҳолатларда жойлардаги профилактика инспекторларининг корхона, ташкилот ва муассасаларда паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини ўрганиш мақсадида текширув ўтказишлари тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашув сифатида баҳоланмоқда.<sup>1</sup> Баъзи тадбиркорлик субъектлари Республикаимизнинг бошқа ҳудудларидан келиб Тошкент шаҳрида доимий пропискасиз ёки турган жойи бўйича ҳисобга олинмаган шахсларни ҳеч қандай меҳнат шартномаси расмийлаштирмасдан, оғзаки келишув асосида ишга қабул қилиб, уларнинг иш ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ бермаслик ҳолатларига йўл қўйишмоқда. Натижада ишчилар томонидан тўланмаган иш ҳақи ўрнини қоплаш мақсадида корхонадаги буюмлар яширинча олиб кетилиб, жиноят содир этишмоқда.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6196-сон Фармони



Шунингдек, ишлаб чиқариш цехларида эрта баҳордан кеч кузга қадар ишчиларнинг яшашлари учун шароит яратиб берилиб, бу ерда қидирувдаги жиноятчиларнинг яширинишига ёки диний ўқишлар ўтказиш учун қулай муҳит яратиб берилмоқда, аксарият иш берувчилар ўзи ишга қабул қилаётган фуқаронинг шахси тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлмасдан ёки оғзаки келишув асосида ишга қабул қилаётганликлари натижасида Тошкент шаҳрида Республикамизнинг бошқа вилоятларидан жиноят содир этганлиги учун қидирув эълон қилинган жиноятчиларнинг, профилактик ҳисобда турувчиларнинг ёки жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахсларнинг оқими кўпайиши ва уларнинг ҳеч бир тўсиқсиз ишга жойлашиб, яшаб келаётганликлари кузатилмоқда.

Шу сабабли назаримизда Республикамизнинг бошқа вилоятларидан келган шахсларни Тошкент шаҳрида ишга қабул қилишда ички ишлар органлари текширувидан ўтишини ҳамда бу жараёнда иш берувчининг масъулиятини оширишни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгилаш мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ 60-сон “2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистон тарақиёт стратегияси” <http://www.lex.uz>
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: Ж. Ш. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 316-б.
4. Исмаилов И., Миразов Д., Мухторов Ж.С. ва бошқ. // Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни
6. <http://www.lex.uz>